



## ЮРТ НОМИНИ БАЛАНДА ТУТАМИЗ

Абдимўмин Абдумавлоновлар хонадонида бирин-кетин уч ўғил дунёга келди. Боболари уларнинг каттасига Аъзам, иккинчисига Фаррух, кичигига Парвиз деб исм қўйди. Уч ўғлоннинг онаси Муҳаббат опа уйда болалар тарбияси билан машғул, оталари Абдимўмин ака ҳам доим уларнинг ўқиши, одоби, соғлиғини назорат қилиб туради. Болаларнинг каттаси мактаб ёшига етганида икки укасини етаклаб карате тўғрагига қатнай бошлайди. Тенгқурлари орасида анчагина абжир бу йигитчалар аста-секин шахар, туман ва вилоятда ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиб совринли ўринларни қўлга кирита бошлади. Фарзандларининг бу интилишларига ҳайрихоҳ бўлган ота энди улар билан жиддий шуғулланганидан устоз бўлиши кераклигини англаб машҳур карате устаси Нурхон Нафасовнинг ёнига олиб келади. Талабчан мураббий бирин-кетин синовдан ўтказган уларнинг бу йўналишда ёрқин келажагини кўради ва шогирдлари билан мунтазам шуғулланиб боради.

Аслида бу ёшларда каратёга қизиқиш боболаридан ўтган. Абдуқаҳҳор отанинг анчагина номдор спортчи бўлганини бекободликлар яхши эслашди. Ота ҳунарини ўғлига ҳам ўргатди. Абдимўмин аканинг ҳар кунги машғулотларини, узоқ ўлкалардан совринлар олиб келаётганини, кенг елкаларига ярашиб турган киманосини қора белбоғ билан боғлаб олганларини ҳар куни кўриб улғайган болаларга падар ғойибона устозлик қилаётганини илгамасди.

Энди ҳам устозларининг кўрсатмалари, ҳам ота-бобо-

сининг назорати билан карате сирларини мукаммал ўрганиб бораётган болалар аста-секин шоҳ сулалар сари кўтарилиб боради. Хали жуда ёш бўлсада чет эллардаги чемпионатларда иштирок эта бошлашади. Илк бор жаҳон чемпиони бўлганида тўнғич фарзанд эндигина 11 ёшга тўлган эди.

— Уша пайтлардаги воқеалар ҳаётимизнинг энг унутилмас онлари бўлади, — дейди Аъзам. — Президент совринини қўлга киритганимизда Юртбошимиз оталарча меҳр билан бағрига босиб, муваффақиятлар тилаганлар. Уша пайтда мен эндигина ўн ёшдан ошган, укаларим эса ҳали ўнга ҳам тўлмаган эди. Уша йили отамиз “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланганлар. Улғайгач, биз ёшларнинг камоли учун берилётган имкониятларни кўриб, ўша меҳр фақат бизга эмас, биз орқали бутун келажақ авлодга берилганлигини англадим. Бу эътибор бизнинг кейинги ғалабаларимиз учун бир қанот бўлди. Энди биз нафақат ота-онамиз, устозларимиз, балки Юртбошимизнинг ҳам ишончини оқлашимиз кераклигини англадик.

Ҳа, бугун уч ака-ука бир неча бор жаҳон чемпионатларида ғолиб бўлдилар. Медалларнинг сонини айтмайсизми...

— Мана бу медални Германияда, бунисини Россияда, ана унисини Англияда олганман, — дейди Фаррух. — Ун саккизта давлатда бўлганмиз. Бу ҳам бир муваффақият. Чунки юрт кезиб, дунёни англайсан, борган жойингда ҳам ўз юртингни танитасан. Мана шу имкониятга ҳам карате билан шуғулланганимиз боис, биз ёшларга, спортга давлатимиз томонидан берилётган юксак эътибор туйғайди эришмоқдамиз. Хали эндигина 17га тўлдим, каратечили бўлишим билан бирга та-

лаба, деган юксак номга ҳам эгаман. Иқтисодий университетининг биринчи курсини тугатдим. Инглиз тилини мукаммал билман. Ҳозирда Аъзам Тошкент вилоят карате федерациясида бош мураббий бўлиб фаолият кўрсатади. Бугун унинг анчагина шогирдлари ҳам бор. Парвиз эса спортнинг яна бир тури — футбол билан ҳам шуғулланар экан. Йигитларнинг теран фикрлаши, маданияти ва билим чўққиларини эгаллашга бўлган интилишларига ҳавас қилдик ва бу йигитларни камолга етказётган онанинг гапларига ҳам қулоқ тутдик.

— Уғилларимнинг спортчи бўлганлиги менинг бахтим. Чунки улар соғлом улғайишди, чекиш, ичиш деган иллатлардан йироқда, икки сингисига меҳрибон акалар. Энг муҳими карате уларни сабрли, кучли қилди. Уғилларим чет элларда юрганда уларнинг муваффақиятини тилаб дуо қилиб тураман. Каратечиди болаларнинг онаси бўлганимдан фахрланамиз билан бирга, муҳтарам Президентимизнинг уларга бўлган ғамхўрлиги ва ишончидан гурурланар эканман елкамда масъулият ҳиссини ҳам сезаман. Чунки фарзанднинг камолга етишувида она сифатида мен ҳам уларга мададкор ва маслаҳатчи бўлишим лозим. Фарзандларининг камолини кўришни, ватаннинг фахри бўлишини ният қилиб яшаётган оналарга болангизни спорт билан ошно қилинг, демокчиман.

Бу уч ака-ука каратечили йигитлар улғаяётган хонадондан қайтар эканман, оила, ота-онанинг дунёқароши, маданияти муҳим ўрин туташига ана бир бор амин бўлдим. Ака-ука каратечилар Аъзам, Фаррух ва Парвизларга юрт номини улғулашда янада юксак парвозлар тилаб қоламиз.

Матлуба ШУКУРОВА

## ХАЙРЛИ ВА ЭЗГУ АМАЛЛАР

Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлик тумани марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Бўстонлик туман ҳокимлиги ҳамкорлигида “Шу азиз Ватан барчамизники” деб номланган катта Дўстлик форуми ўтказилди.

— Туманимизда етмишдан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни янада чуқурлаштириш билан Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, — деди тадбирни очар экан Бўстонлик туман хоки-

ми Камбарали Эшонов.

Форумда иштирок этган Сенатор, Бош Вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова ўрта умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ аълочи битирувчиларига етуқлик шаҳодатномасини тантанали равишда топширди ва эзгу ниятлар билан оқ йўл тилади.

Тадбирга туман, вилоят бадиий дасталари, эл суйган таниқли хонандалар, ёш спортчиларнинг чиқишлари алоҳида файз киритди.

Зулхумор ЖўРАЕВА



Куни кеча Тошкент вилоятининг Тошкент тумани Ҳасанбой фуқаролар йиғинига қарашли Юқори Ҳасанбой маҳалласида 500 ишчи ўринига мўлжалланган “Ҳасанбой Мурувват Текс” масъулияти чекланган трикотаж фабрикасининг очилиш маросими бўлди.

Мурувват Текс хорижий шўъба корхонаси билан ҳамкорликда қурилган мазкур фабрика трикотаж, аёллар ва болалар кийимлари, спорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Қисқа вақт ичида қуриб битирилган бу корхона тикув ва бичув, дазмоллаш цехлари, модельерлар бўлимларидан иборат бўлиб, улар энг янги замонавий техник ускуна ва жи-

ҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, ишчи аёллар учун ҳар томонлама қулайликларга эга тозалик, тиббиёт, кийиниб-ечиниш, маънавият ва маърифат, дам олиш хоналари мавжуддир.

— Аҳолини иш билан таъминлаш ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида бунёд этилган ишбу фабрикага малакали тикувчилар билан биргалликда шу қиллоқда истикомат қиладиган кўп болали, кам таъминланган оилалардан аёл ва қизлар ишга жалб этилди, — дейди раҳбар ўринбосари Азиза Ғиёсова.

Анжуманда Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.



Тошкент вилоят Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан Тошкент, Зангиота, Янгийўл ва Қибрай туманларида истикомат қилувчи ёлғиз кекса-

лар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакилларида 60 кишига ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан сихатгоҳларга бепул йўлланмалар топширилди.

Тадбирда қатнашган кекса отахону онахонлар, ижтимоий Ҳимояга муҳтож оила вакиллари кўрсатилаётган бу эътибор эъозодан миннатдор эканликларини изҳор этишди.

ХУЛКАР



қозонди. Кўплаб ёшларга устозлик қилди, - деб таърифлайди бошқарма касаба уюшмаси раиси Н. Муртазоев.

- Биз Самарқанд вилоят Қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси жамоаси Муҳаббат опанинг ўттиз беш йиллик самарали меҳнатидан миннатдоримиз. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилиш учун табиат билан ҳамнафас бўлиш, журъат, матонат, меҳр керак. Баҳорини севган каби қишу ёзини ҳам, кuzини ҳам севиш керак. Баланд хирмонлар ортидаги сўнгсиз

## МЕҲНАТНИНГ НОНИ ШИРИН

Муҳаббат Тоғаева Жиззах туманидаги "Москва" жамоа ҳўжалигида (ҳозирги Ҳамроқул Носиров) айна баҳорда, 1948 йилда таваллуд топди.

Барча тенгдошлари каби ёнгинасидаги қирлардан лолалар излаб териб, пахта далаларида меҳнат қилиб, улғайди.

Ўрта мактабни битириш арафасида унинг ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. "Москва" жамоа ҳўжалиги раиси Ҳамроқул ота Носиров (жойлари жаннатда бўлсин) мактабга келиб, ўн нафар аълочи, фаол ўқувчиларни танлаб олиб, Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтига ўқишга юборди. Уларнинг орасида аълочи Муҳаббат ҳам бор эди.

Уша ёшларнинг ҳаммаси ўқишга кирди. Муҳаббат Тоғаева ҳам зоотехника факультетига қабул қилинди. Вақт ўтиб институтни аъло баҳоларга ўқиш битирди.

Тақдир тақозиси билан 1983 йили Самарқанд вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида бўлим мудирини бўлиб иш бошлади.

- Муҳаббат Тоғаева изланувчан, тиришқоқ, хушмуомала ходим сифатида меҳнат жамоамизда, вилоятнинг барча чорвадорлари, нафақадаги кексалару ёшлар ўртасида хурмат

азобларга бардош бериш керак. Опа шундай хислатлар эгаси! Унинг кўплаб шоғирдлари бор, - дейди вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Т. Худойназаров.

Ўттиз беш йил қишлоқ ҳўжалиги соҳасида собитлик билан меҳнат қилишнинг ўзи бўлмади. Бунинг устига тақдир экан, икки ўғил, бир қизни ёлғиз ўзи тарбиялади.

Шухратжон ва Рустамжон аяси каби тадбиркор. Келинлари Наргизахон, Дилоромхонлар қайнона-онасини хурмат қилишда, яхши кўришади. Қизи Мунираҳон, қуёви Умаржон ҳам эл хизматида. Бир-биридан ширин набиралари Махлиё, Лазизжон, Достон, Фаррух, Фахриддин, Сардорлар кучоғида.

- Болаларимни ҳалол меҳнатим нони билан улғайтирдим. Келинларим қизларимдай. Қуёвим ўғлимдай. Матлабим - одамларга яхшилиқ қилиш, қўлдан келгунча инсонлар хизматида бўлиш. Ҳар бир инсон ортида яхши из қолшиш лозим, - дейди, Муҳаббат опа.

**ХУСАЙТ БОБОМУРОДОВА,  
НОДИРА АНДАКУЛОВА**

## ИБРАТЛИ МАСЛАХАТЧИ

Бектемир туманидаги "Миришор" маҳалласи диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Алия Темирбековани бугун нафақат маҳаллада, балки туманда ўз ишининг жонкуяри сифатида кўпчилик яхши танишади.

- Отам бутун умр ўқитувчилик қилган. Мен ҳам ота касбини танлаганман. 18 йил мактабда ўқитувчилик қилдим. Кейин уй-жой трестда катта педагог-ташкilotчи бўлдим. Бир неча йил туман халқ таълим бўлимида бу ишимни давом эттирдим, - дейди Алия Темирбекова.

Қахрамоним кейин 2-гурӯх ногирони бўлиб ишлаш олмаган бўлса-да, қалбидаги болаларга бўлган меҳри бир лаҳза ҳам сўнмади.

Опанинг батамом соғайиб кетганидан хабар толган маҳалла оқсоқолларидан бири, ундан маҳаллага чиқиб кўмак беришини илтимос қилганида, қувончи ичига сиғмади.

Мана 4 йилдики, Алия опа маҳалла ишига астойдил киришиб кетди. Ўзи учун ажратилган хонани кунт билан жиҳозлади. Хона деворларидан ўтказилган тадбирлардан лавҳалар, маҳалла ҳаётига оид маълумотлар, стол ва жавонлардан турли китоб ва рўзномалар жой олди. Алоҳида жилдларда кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож қариялар, яхши-ёмон оилаларнинг

рўйхатларини кўриш мумкин. "Ижтимоий химоя йлли" муносабати билан қилинган ва қилинадиган тадбирлар режасини ўқийман:

"Ёш келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш" бўйича ҳудудий поликлиника билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда, "Маҳалладаги ишсиз аёллар устоз-шоғирд ўқув курслари орқали ўқитилмоқда", "Маҳаллада қасаначилик йўлга қўйилапти", "Тозалик оstonадан бошланади", "Маҳалланинг ибратли қизи" танловлари уюштирилди...

Маҳалла идорасида бевоқиф ўзи бошчилигида "Моҳир кўллар", "Чевар қизлар" каби тўғарақлар ташкил қилган. Уларнинг ишларини турли тадбирларга олиб чиқади. Қолаверса, маҳалла қошида ишсиз қиз-аёлларга касб ўргатиш бўйича туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда "Гилам тўқиш" ва "Қаштачилик" уста-шоғирд ўқув курслари очилган.

Дарҳақиқат, кўпчилик билан кенгашиб, салкам 4 минг нафар аҳоли билан тиллашиб, катта-ю кичикнинг меҳрини, ишончини қозониб ишлашнинг ўзи бўлмайди. Тиниб-тинчимас маслаҳатчи Алия Темирбекова 10 дан зиёд миллат вакиллари билан иборат бўлган маҳалла аҳлининг иссиқ-совуғидан, яхши-ёмон кунидан, қувонч муаммоларидан бирдек хабардор. Беш қўл баравар бўлмаганидек, маҳаллада ҳар турли оилалар яшайди. Яқинда бир оилада аввал эри, орқасидан 3 нафар қизларини ташлаб, эрини



қидириб, она ҳам Россияга кетиб, фарзандлар қаровсиз қолган. Масала ўрганилди. Бу орада она қайтиб келди. Ижтимоий таъминот бўлими билан келишиб, аёл-онага II-гурӯх ногиронлиги берилиб, унга нафақа тўланадиган бўлди. Операцияга бепоул йўлланма берилди. Сўраб-суриштириб телефон орқали қизларнинг Оққўргонда турадиган аммаси чақиртирилди. Ҳозирда уларга ўша аммаси қараб турибди. "Бекнон" кичик ишлаб чиқариш қорхонаси ҳар кун 2 таддан бепоул нон берадиган бўлди. Бу маслаҳатчининг қилган ишларидан биттаси, ҳолос.

Алия турмуш ўртоғи Аширбек Бейсенов билан 29 йилдан бери тотув яшаб келишапти. Беш нафар ўғил ўстиришининг, уларни ўқитиб, олий маълумотли қилишнинг қувончу азобларини фақат ботишдан ўтказганларгина билишади.

Ҳа, тиниб-тинчимас маслаҳатчининг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда қилаётган ишлари ўз баҳосини олиши, шубҳасиз.

**Махлиё ИСОҚОВА,  
Тошкент шаҳар,  
Бектемир тумани.**

Германия Федератив Республикасининг "Фриденздорф Интернейшнл" халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари яқинда пойтахтимиздаги "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қиз-

буён "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни соғломлаштириш, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишларга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

2006 йилда 9 нафар бемор бо-

шер тиббиёт" клиникаси ва бир қатор вилоятлардаги клиникалар билан биргалликда жами 120 нафар туғма лаб танглай нуқсонни бўлган ногирон болалар 8500000 сўм маблағ доирасида жарроҳлик операциялари қилинди. Операциялар Тошкент Тиббиёт Академиясида, "Алишер тиббиёт" хусусий стоматологиясида ҳамда Фарғона, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари клиникаларида амалга оширилмоқда.

"Фриденз-

## «ТўМАРИС АЁЛЛАР» СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Республика Хотин-қизлар кўмитасида бўлиб ўтган навбатдаги матбуот конференцияси 14-17 июл кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган "Тўмарис аёллар" спорт фестивалини ўтказишга бағишланди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Нурия Тўреева давлатимиз томонидан аёлларимизни спортга жалб қилишга берилаётган катта эътибор ҳақида гапирди. Кўмитанинг спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси Мухтасар Абдурахмонова фестивал ҳақида журналчиларга батафсил маълумот бериб шундай деди:

Ушбу фестивалда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 25 ёшдан юқори бўлган 26 нафардан иштирокчи таклиф этилган. Асосан уй бекалари ва жамоаларда ишлаётган аёллар спортнинг волейбол, енгил атлетика, стритбол, стол теннис, шахмат, арқон тортиш, халқ уйинлари бўйича "Қувноқ стартлар" ва сузиш турлари бўйича беллашадилар. Шунингдек, синхрон сузиш бўйича вилоятлардан 5 нафар спортчининг кўргазмали қишқилари намойиш этилади. Фестивал ҳақиқий спорт байрамига айланиши учун ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан барча шароитлар яратилган. Жумладан, катнашчилар учун махсус поезд ажратилган, аёлларнинг ҳар бирлари спорт анжомлари билан таъминланганлар ва ҳатто бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун Наманганнинг эътиборли жойларига саяхатлар уюштириш режалаштирилган.

**МАТЛУБА**

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

лар кўмитаси раиси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вазирлик кенгаши раиси С.Иномова билан учрашди.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни соғломлаштириш, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бўйича Жамғарма "Фриденздорф Интернейшнл" (ГФР) халқаро ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур ташкилот 2002 йилдан

лалар Германия клиникаларида даволаниб қайтдилар. Ҳозирги кунга келиб, 12 нафар бемор болалар Германия клиникаларида даволанишни давом эттиришмоқда. Лойиҳа доирасида шу кунга қадар 87 нафар болалар Германия клиникаларига диагностика ва даволаниш учун юборилганлар.

"Фриденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилотининг гранд маблағи ҳисобига 2007 йилнинг 6 ойи давомида 1-сон Тошкент Давлат тиббиёт институти, "Али-

дорф Интернейшнл" халқаро хайрия ташкилоти вакиллари бу гал Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги тўрт юздан зиёд ногирон ва бемор болани тиббий кўриқдан ўтказди. Эллиқдан ортиқ бола қайта текширувдан ўтказиш мақсадида танлаб олинди. Улар Германия клиникаларида даволанишади.

Ўз мухбиримиз

**Муассисларимиз  
фаолиятдан**

Шеърларга обзор

БУ БУСТОН САҲНИДА...

Шеърят азал яралмишидан меҳр-муҳаббат, эзгулик оламининг элчиси бўлиб келган. Шеър лаҳжасида муҳаббат изҳор этилади, соғинчдан сўз айтилади, висолга ошиққан юрак шеърда сувратланади. Хайратларнинг тили - шеър. Унинг чорлаган баландликлари ҳам, эзгулик бекатлари, ёруғлик, яхшилик манзиллари. Демакки, шеър ёзаман, деб қўлига қалам тутган одам борки, яхшиликка дахлдор. Уларни бемалол ёруғлик одамлари деб атаса бўлади.

"Оила ва жамият" тахририятига йўлланган аксарият машқларнинг мазмуни ҳам бу фикримизни исботлайди.

...**Биринчи кўнгирак ва биринчи дарс, Қалбада кўпирарди ҳадик, ҳаяжон. Кўзни узолмасдик сиздан бир нафас, Митти юракларда митти галаба.**

Бўкалик ёш қаламкаш **Дилфуза Ҳотимова** ўзининг, синфдошларининг устозига меҳрини иссиқ сатрларда изҳор этади. Дилфузанин қалами шеърдан шеърга равонлашмоқда. Чиройли ташбеҳлар билан безаяпти машқларини. Шогирдларининг меҳри шеърга кўчгани бежиз эмас. Зотан, устозларнинг кўнгли, хаёли ҳам ўз ўқувчиларида:

**Ватанимнинг тонги сабоси, Сўзларимнинг асл, аълоси. Юрагимнинг хушрўй лоласи - Сен учундир, азиз ўқувчим.**

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 14-умумтаълим мактабининг олий тоифали муаллимаси **Ҳалима Эргашева**нинг сатрлари худди Дилфузанин эҳтиромига жавобдай.

Устоз-шогирдлик ҳам инсонни қамолотга етаклайдиган сўқмоқлардан бири. Агар одамларни одамийлик доирасида ушлаб турадиган шундай тушунчаларга ном қўйса, яна бирини "Хотира" деб атаган бўларди. Самарқандлик **Ирода Қосимованин** Хотира кўни, бўкалик **Лобар Аҳмедованин** "Эмай", ёзёвонлик **Нурбек Раҳимнин** "Соғиндим, отажон" каби шеърлари қалбини поклайдиган туйғу - хотирага бағишланган. Нурбек Раҳим фақат хотирада эмас, теграсидаги кўз билан кўриб, қўли билан тугиб юрган жамики нарсалардан фалсафа излайди. Ўзига хос хулосалар чиқаради. "Муҳаббатнинг арзон экан", «Яхшига ёмонлик кўрар Оллоҳим» каби шеърларида қаламкашдаги ана шу ўзига хослик яққол сезилади. Ўзи ҳис қилган излаганларига шеърый ифода топиш Сирғалидаги касб-хунар коллежи талабаси **Ойжамол Рўзиева**, Қибрай туманидан **Қосимжон Абдуллаев**, марғилонлик **Шаҳзода опанин** тахририятига йўлланган машқларида муваффақиятли чиққан, дейиш мумкин.

**Дардим менин, қайғум менин-дўстимдай яқинимсан, Қалбимдаги туйғуларга сас берган оқимимсан...**

Шаҳзодахон опа (фамилияларини ёзмаганлар) бемор жисмлари билан шундай бутун сатрларни ёзган, яратган эканлар. Уларда Худо юктирган шоирлик борлигини эътироф этмай бўлмайди. Фақат баъзилар айтганидай "келиб қолганда ёзиш" билан чекланиш ижодкорнинг йўлини тораитиради. Шеърятини қисмат билган одам уни ўрганиш машаққатларига ҳам чидайди. Хоразмлик **Дилрабо Матмуродова**, самарқандлик **Барно Тошпўлатова**, қашқадарёлик **Ҳасан Хушвақтов**, Тошкент шаҳар 17-мактабининг 9-синф ўқувчиси **Гулхумор Азимхўжаева**ларга шу фикримизни алоҳида таъкидлашимиз келади.

Ҳазрат Алишер Навоий шеърят ҳақида гапира туриб: "Бу бустон саҳнида гул кўп, чаман кўп", деганларидай мактаб ўқувчилари, шеърятнинг жажжи шайдолари ҳам ўз машқларини тахририятга юборганлар.

35-умумтаълим мактаби ўқувчилари **Дилшода Тошматова**, **Гулшаной Тўрабоева**, **Марҳабба Отахонова**, **Гулшаной Холдороваларни**н машқлари Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хотира-сига бағишланган. Болаларнинг савимияти сатрларга илиқлик бахш этган. Уларга ўзлари яхши кўрган шоирга - Мухаммад Юсуфга ўхшаган халқчил ижодкор бўлишлари учун савимиятдан ташқари, билим, ҳаётий тажриба керак бўлади.

Нима бўлганда ҳам, гап аввалида айтганимиздай шеърят эзгулик дунёси элчиси. Қўлига қалам тутиб ёзишга чоғланган инсон борки, ўзи қалбини поклик билан зийнатласа, ирода, бардошга дўст тутунса, билим, тафаккурга эргашса, унинг ёзганлари шамолга учмайди. Қушдай қанот боғлаб, эгасини, мухлисини топади.

Мен ўзим ишонган бу ҳақиқатга, "Оила ва жамият" га умид билан шеър йўллаган барча мухлисларни ишонтиргим келади.

Қутлибека **РАҲИМБОЕВА**, шоира



# ИЛҶОМ ФАРИШТАСИ

## Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдида

Севимли ёзувчимиз, катта адиб Абдулла Қаҳҳорнинг рафиқаси, таржимон, адиба Кибриё Қаҳҳорова 80 ёшдан ортиқроқ умр кўрди. Ва ҳаётини, ижодини, қалбини адибга - умр йўлдошига бахшида этди. Мухтарам ёзувчининг ўзи буни тан олиб: "Агар мен Абдулла Қаҳҳор бўлсам, сиз туфайли бўлдим, Кибриёхон! Бошқа аёл бўлганда менинг характеримга бир ҳафтадан ортиқ чидамас эди", деганди.

Мен Кибриё опа билан бир неча бор суҳбатлашиб, унинг адиб ҳақидаги ширин хотираларини тинглаган, ичакузди латифаларидан завқ-шавқ олган омадли бир мухбирман.

Кибриё опа жуда гўзал, хушчақ аёл эди. Бахмалдек қоп-қора қош-кўзлари барқ уриб яшаган, чехрасидан жилвали табассум аримайдиган, дид билан кийинадиган, энг муҳими жуда билимдон, сўз-омал аёл эди. Икки минг мисрадан ортиқ газалини тожик ва ўзбек тилларида ёддан биларди. Латифага уста эди. Йўқни бор қила оладиган қўлигул пазанда эди.

Саволларимга Кибриё опа шундай жавоб берган:

- Абдулла ака билан уруш тамом бўлишидан хиёл олдин севишиб, турмуш қурдик. Қийин кунларни, етишмовчиликларни кўрдик. Деярлик ҳеч нарсамиз йўқ эди. Хар тугул Абдулла акамга Ёзувчилар уюшмасидан ер беришиди. Уша ерда уззу-кун дерҳончилик қилиб, рўзгорга зарур ҳамма нарсани ўзим етиштирдим. Кейин уй қурдик. Шу ишлардан ортиб, Абдулла аканин ижод қилиши учун тинч, соғлом муҳит ярати олар эдим. Чарчасалар шеър ўқиб берардим. Оғизларига ёқадиغان таом хозирларим. Бирга сайр қилардик. Ёзганларини машинкада кўчириб, устидан ўқиб, керак бўлса наشريётларга элтиб берадим... Дадам раҳматлик дафтарлари хошиясига: "Яхши хотин гадо эрни ҳам подшо қилади", деб ёзиб қўйган эдилар-да.

- Дадангиз ажойиб инсон бўлган эканлар-а?

- Ҳа, агар дадам менга икки яшар бўлар-бўлмасимдан араб алифбосини ўргатмаганида, олти ёшимда Қуръони каримни ёдлаб олмаганимда, кейин хар кун биттадан

яхши бир газалини ёдлаб олишимни қатъий талаб қилиб, эрта билан шеърни айтириб тингламаганларидан, кейинчалик мен Абдулла Қаҳҳордек нозик таъб ёзувчининг қалбини, ижод машаққатини чуқур англай олармидим?! Ўқиб чиқишга вақтлари бўлмаган энг асл китоблар мағзини чақиб, у кишига илҳом бағишлай олармидим?! Йўқ. Катта ёзувчига умр

адиб хотирасини улуғлади, ёзувчи билан ўтказган ҳаётига тасаннолар айтди.

Абдулла ака ўлими олдида яқинларидан бирига шундай тайинлаган экан: "Хотиним Кибриё қарийб 25 йил мени тилишинг қавагида асради. Шунинг учун истар эдимки, мендан кейин унинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаса. Қулай фурсат топилса, менинг тилагимни улуғларимизга етказинг... Менинг даргоҳим муқаддас эди, мендан кейин ҳам муқаддас бўлишини истайман..."

Ёзувчининг тилаги ижобат бўлди. Кибриё опанин тинч яшаб, ижод қилиши учун барча имкониятлар яратиб берилди. Ҳукумат қарори билан "Абдулла Қаҳҳор уй-музеи" барпо этилди. Кибриё опа ўзлари яшаган тўрт хоналик уйни, адибнинг барча асарларини, уй жиҳозлари-ю, кийим-кечакларини, хуллас, улуг ёзувчининг қўл излари, қадам излари қолган буюмларнинг барини музейга

йўлдоши бўла олиш учун катта билим, нозик дид, кенг юрак, сабр-тоқат кераклигини бир умр ҳис этиб, тушуниб яшади.

Дадам Лутфулла Махмуд раҳматлик Самарқанд шаҳар муфтийиси бўлганлар. Ўттиз йил мадрасада дарс берганлар. Ниҳоятда кўп ўқиган, зукко одам эдилар.

- Аянгиш-чи?!

- Аям Мушаррафой ўқимаган, бир содда аёл эдилар. Лекин эрга хурмат-эҳтиромни ўрнига қўярдилар. Отам эшиқдан кўринишлари биланок, хар қандай юмушларини йиғиштириб қўйиб, ўрниларидан турар, қўлларини кўксиларига қўйганча хиёл бошларини эгиб, хурматларини бажо келтириб, кўти олар эдилар. Онамдан ўрнак олиб, биз болалар ҳам отамни шундай кутиб олишга ўргандик. Отамиз билан онамизнинг бир-бирларига тик қараб гапирганини ҳеч кўрган эмасмиз.

Мен ҳам Абдулла акамга шундай муносабатда бўлдим. Хар кун эрта билан Абдулла акадан барвақт уйғониб, албатта ўзимга қараб, юзи-кўзимга бироз оро бериб, тоза, дазмонланган кўйлаб кийиб олардим. Ҳеч қанон у кишининг ёнида бундайроқ юрмадим. Уни олиб бering, бунчи олиб бering, дедимиз. Ўзлари билиб олиб берсалар, бошим осмонларга етди.

- Қойил, Кибриё опа! - дегандим ўшанда. - Ризоуддин ибн Фахриддиннинг "Оила" асаридидаги бир гап ёдимга тушди. "Агар ўз тарафингда хатолик бўлмаслигига интилсанг, оила шарофатини сақлаб қолувчи хотун бўласан", дейилган.

- Ҳа, оила муқаддас, эр - бутун пир. Аёл кўчадагиларга эмас, ўз эрига яхши кўринишга ҳаракат қилиши керак...

Ёзувчи 61 ёшида вафот этиб, Кибриёхоним билан 25 йил бирга яшашган бўлса, шу йиллар ичидан хар кун, хар соатда рафиқаси унинг ёнида, жонида бўлди. Ижодига илҳом, ҳаётига мазмун бағишлади. Уларнинг доимий биргалигига ҳасад келган бир китмир ёзувчи: "Абдулла ака, Кибриё опа ҳамма вақт ёнингизда, жонингизга тегиб кетгандирлар-а?!" - деб сўрайди. Ҳозиржавоб ёзувчи пинагини бузмай: "Кибриё опанин мисоли ноңдек гап!" - деб қўя қолибди...

Кибриё Қаҳҳорова "Чорак аср ҳамнафас" номли китоб ёзиб,

ҳадя қилди. Ва кўп йиллар музейни бошқариб, бойитиб, мухлисларни кўлайтирди. Адибнинг хотира кечаларини ўтказди.

Кибриё опа бутун куч-ғайратини ёзувчи асарларини кўз қорачиғидек асрашга, уларни тўплаб наҳд эттиришга, бошқа тилларга ўгиришга ҳам бағишлади. Уй-музейга ташриф буюрганларга адиб ҳақида, унинг ўлмас асарлари - "Ўтмишдан эртақлар", "Муҳаббат", "Сароб", "Синчалак", "Оғриқ тишлар", "Шохи сўзана"нинг қандай дунёга келганлигини айтиб беришдан ҳеч чарчамасди.

- Даслаб мен Абдулла аканин "Қўшчиноч чироқлари" романини машинкада кўчираётиб, ўзбек тилини ўрганган эдим, - деган эди Кибриё опа. - Абдулла ака бир ой ичиде мендан тожик тилини ўрганиб олган эдилар. Ва биз оилада хар иккала тилда гаплашаварар эдик. Эҳ-ҳе, ундан кейин қанчадан-қанча янги асарлар ёддилар. Гоголь, Чехов, Горький асарларини таржима қилдилар. Уларни оққа кўчириш, устидан ўқиш борасида мен салкам ёзувчи, салкам таржимон бўлиб кетдим.

Кибриё Қаҳҳорованин ҳам ўзбай таржима асарлари, юзлаб адабий-танқидий мақолалари чоп этилган. У Абдулла Қаҳҳорнинг романларини, ҳикояларини тожик тилига ўгирди. Адиб номига қўйилган мактабларга, ҳўжаликларга тақдир эйтишса, бажонидил бориб, хотираларини сўзлади. Сўнги нафасигача Абдулла Қаҳҳор асарларини тарғиб қилди, номини ёзёзлади...

- Буларнинг ҳаммаси, - деган эди Кибриё опа, - Абдулла акага бўлган чексиз меҳр-муҳаббатим ифодасидир. Халқимизда "Эр подшо, хотин вазир", деган гап бор. Подшони подшо қиламан, деган вазир тиним билмай ишлаши керак...

Хар иккала улуг инсон яшаган уй-музейнинг доимо чироғи ёниқ. Сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг ва унинг вафодор, меҳрибон завжаси Кибриё опанин руҳи, ижоди, зариф хотиралари доимо барҳаёт. Китобхон халқимиз адибнинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддуида...

Санъат **МАҲМУДОВА**

# СЕВИЛМАГАН АЁЛ БАХТЛИ БЎЛОЛМАС

- Ҳаётингни боғлаган кишинг, қалбингни тўрига чиқариб қўйган одамнинг кўнглингда озор берса, сени азият чекаётганингни кўриб, билиб туриб, бундан роҳат олса, бу ғам сени ҳар дақиқада кемириб бораверар экан. Юрагинг ўқиск, жароҳатларга тўлиб кетар экан.

- **Яқин кишингиздан қаттиқ ранжиганга ўхшайсиз?-дедим аёлга.**

- Ҳа...

- **Келинг, олдин танишиб олайлик...**

- Исми Дилдор. Лекин исми жисмига мос эмас. Биласизми, бундан бир неча йиллар олдин Анвар исмли йигит билан турмуш қурдик. Тўйдан кейин бир-икки ойгина яхши яшадик. Анвар акамни жуда-жуда яхши кўриб қолдим. Аввал ҳеч кимни севмаганман. Аммо бахтли кунларим аста-секин ўз сеҳрини йўқота бошлади. Анвар акам мени хушламай қолди. Ҳар бир ишимдан камчилик топар, нима қилсам ҳам ёқтирмасди. Бора-бора "бунча хунуксан, нега кўзингда доғинг бор?" деб жерқаверарди.

- **Уйланишидан олдин сиз билан учрашганимизми?**

- Бир марта келиноним учраштирадик эди. Кўп гаплашмаган эдик. Кечаси эди, менга яхши қарамаган бўлса керак-да...

Анвар акамни мендан тобора кўнгли қолаётганини ҳис қилиб, сиқилар эдим. Шундай бўлса-да, ширин сўз билан, саришта-озодлик, пазандалик билан кўнглига йўл топиш-



Кўнглироқларингиз...

га ҳаракат қилардим. Аммо бировнинг меҳрини осонликча қозониш қийин экан.

- **Қайнота-қайнонангиз ўғлининг сизга бўлган муносабатини сезишарми?**

- Мен сездирмай деганим билан, Анвар акам менга бўлган муомаласини ҳеч кимдан яширмасди. Бундан қайнота-қайнонам хижолат бўлишарди. Муросага келтиришмоқчи бўлишар,

менга жуда яхши гапиришарди. Оила қурганимизнинг тўртинчи ойида ҳомиладор эканлигимни сезиб қолдим. Хурсандчилигимни ичимга сиғдирилмасдим.

- **Анвар бу хушxabарни қандай қабул қилди?**

- Мен неча бир ҳаяжон билан айтган гапимга индамай қўя қолди. Ҳаётда турмушнинг неча бир қийинчиликларига бардош бериб, уриш-жанжал, келишмовчиликлар билан яшайтган аёллар қанча. Лекин жанжал-ғурбатсиз, кўнглисизлик гамига чидаш қийин экан.

Она бўлиш бахти билан яшайтган кунларимда, эримнинг телефон орқали бир аёл билан тез-тез гаплашишини сезиб қолдим. Баъзи кунлари кеч келадиган одат ҳам чиқара бошлади. Кўпинча, бошқа хонада ухлар, бир неча кунлар лом-лим демай юрар эди. Телефонда гаплашганда эса умуман бошқа қиёфага кирар, менинг ранжишимни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бир кунни уйда ҳеч ким йўқлигида телефон жиринглади. Гушакни олсам, бир аёл. Эримни сўради. Кейин хотини эканлигимни билиб, "Анвар барибир мени яхши кўради. Бекорга яшаб юрибсан", дея гапирар бошлади. "Кимсиз?" десам, "Анварнинг биринчи хотиниман", деди. Кўз олдим қоронғулашиб кетди. Уйдагиларга ҳеч нарсани билдирмадим, сиқилдим, кеч бўлишини кутдим. Анвар акам келгач, секин гап бошладим. Минг афсуски, "илоҳим ёлғон бўлиб чиксин" деган илинжим,

ҳақиқатга айланди. У ҳаммасини тан олди. Аввал уйланганини, хотиннинг хиёнати тўғрисида ақрашиб кетганини айтди. Оилани бўлгач, юрагимда илк бор ҳис қилган тўғуларимнинг, юрагим остида кун сайин катта бўлиб бораётган норасиданинг етим бўлиб қолишига сабабчи бўлган отанамдан жуда қаттиқ хафа бўлдим.

Анвар акам хотинини, 3 ёшли ўғлини жуда яхши кўрар экан. Лекин қайнота-қайнонам уни ёмон кўришар экан... Шунинг учун эрим хотини билан хуфия яшар экан. Айтишларича, у жуда гўзал аёл эмиш...

Мен энди эримга тўғаноқ бўлишга ҳақим йўқ эди. Кетишга қарор қилдим. Начора, тақдирдан қутилиб бўлмайди. Баъзан ўйлаб қоламан. Уйланганини билганимдан кейин ҳам яшайверсам бўлармиди деб, яшайверардим, агар у мени севганида. Аммо севилмаган аёл ҳеч қачон бахтли бўлмайди.

- **Бахтли бўлади, Дилдор. Дунёда фарзанд учун севимли бўлишдек бахт ҳам бор. Отананинг меҳрини туюб яшаш шодумонлиги ҳам бор. Қолаверса, китобни севар экансиз, сизда гурур, ирода каби ноёб хислатлар бор экан. Мана шу туйғулар билан ҳам инсон гўзал. Шу незъматлар билан ҳам чиройли яшаш мумкин. Ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатингиз сўнамсин, синглим.**

- **Азизлар, сиз нима дейсиз? Севилмаган аёл бахтли бўлиши мумкинми? Дилдор қандай йўл тутиши керак эди? Фикрларингиз битилган мактубларингизни кутиб қоламиз.**

Хулқар ХОТАМБОЕВА

# БОЛАМ ҚАЛЪИМНИ ТИЛДИ

- Тахририятга биринчи келишим. Исми Мақсуда. Касбим ўқитувчилик. Ўқувчиларимга бирор янгиликларни айтиш учун ҳар-хил газеталарни ўқиб тураман. Мактабда ишлаб бошлаганимга ҳам 20 йилдан ошди. Мен ўқитган болалар ҳозир яхши лавозимларда ишлашади. Хол-аҳвол сўраб келиб туришади. Лекин ўз болам, ўғлим Шерали,-дея сўз бошлади аёл.

- **Илоҳи бўлса батафсилроқ гапириб берсангиз...**

- Бошидан айтаман-да. Мен турмуша чиққанимда ҳали талаба эдим. Ота-онамнинг гапини қайтара олмасдан ўзим унча билмаган йигитга тегишга розилик берганман. Бу ишимдан ҳозиргача афсусланаман.

- **Нега?**

- Мен ўқийдиган институт ёнидаги кўчада бир аёл яшарди. У ҳар кунни кўчада ўқишдан қайтаётган қизларни кузатиб ўтирарди. Мен уни уйда зерикканидан шундай қилиб ўтирса керак, деб ўйлардим. Аслида эса у ўғлига келин излаётган экан. Ана шу кампирга ёқиб қолибман. Бир кунни ўғли билан орақдан келишибди. Уйимизни билиб олишиб ҳар кунни совчиликка келаварди.

Охири онамнинг қистови билан учрашувга чиқдим. Ёмон йигитга ўхшамади. Кейин тўйимиз бўлиб ўтди. Тўй оқшомининг ўзидаёқ бўлажак эрим менинг таъбимни хира қилди. У озгина ичган экан. Чимилдиқда ўтирганимизда бир қизни севишини, аммо онаси мени топиб, зўрлаб уйлантирганини айтиб йиғлади.

Ҳангу-манг бўлиб қолдим. Йиғлай олмайман. Ташқарида бир тўп янгалар

лар пойлаб ўтиришибди. Дардим ичимда индамай ўтиравардим. Хуллас, унинг менга кўнгли йўқлигини сездим.

- **Онасига бу ҳақда айтмадингизми?**

- Бир марта жонимдан ўтиб кетгач айтдим. Эрим шу кунни ётоқхонамиздаги тош ойнанинг четига ўзи севган қизнинг суратини тиқиб қўйганди. Ёнидан ўтса кўлига олиб ўпиб ҳам қўяди. Бир ҳафталик келин бўлсам... Қайнонам эса, "Кўявер, бола туғсанг боғланиб қолади. Чидагин",-деди. Муносабатларимиз эса кун сайин совуб борарди. Бир марта ўқишдан келаётиб, эримни ўша қиз билан кўрдим. Жуда чиройли экан. Келиб нарсаларимни йиғиштири бошладим. Бироқ қайнонам мени тўхтатиб, ялиниб-ёлворгач яна қолдим.

- **Эрингиз билан очикчасига гаплашиб олмадингизми?**

- У билан ҳар кунни шу ҳақда гаплашардик. Эрим эса фақат бир гапни, онаси мени ўзи учун келин қилиб олганини, мени севмаслигини, барибир ажрашишини айттарди.

- **Тўйингиздан кейин анча вақт ўтганимизми?**

- Бор йўғи икки ойлик келин эдим, шу гапларни эшитишга мажбур эдим. Эрим мен билан бир ҳафта яшади холос. Кейин эса худди бегонадек алоҳида овқатланиб, алоҳида ўтирадиган бўлди. Уч ойдан сўнг бўйимда борлигини сезиб қолдим. Бу гапни эшитиб қолган эрим эса ҳар



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

кунни жанжал қила бошлади. Охири болам икки ойлик бўлганида онамга ҳамма гапни айтиб бердим. Отам аралашди. Эрим эса ўз гапида туриб олганди. Охири ажрашдик. Менга отанам бир хонали уй олиб беришди.

- **Ҳозир ҳам шу уйда яшайсизми?**

- Йўқ, йиғиб-териб уч хонали уй олганман. Келин қилсам ҳам шу уй етар-

ди. Лекин ўғлим... У вояга етгач ўз билими билан институтга кирди. Биринчи курсни битиргач ўзгарди.

- **Ёмон томонга ўзгарди?**

- Ҳа, у ҳар кунни мен билан жанжал қилади. Юзлаб болаларга тарбия берилма-ну ўзимникига келганда эса... У менга: "Сиз она бўлиб нима қилиб бердингиз? На ҳовлимиз, на машинамиз бор? Уйга меҳмон чакира олмайман. Отам билан нега ажрашгансиз? Отам яхши одам-ку! Менга айтган пулимини топиб бера олмайсиз!" - дея кўнглимни вайрон қилади. Ҳозир ёшим элликдан ошди. Ахир ўз айбим билан ажрашмагандим-ку! Айбим нима эканимга сира тушуна олмаман. Нима қилай, кимдан маслаҳат сўрай? Наҳотки ўғлимни тош юрак қилиб тарбиялаган бўлсам?

- **Ўғлингиз отаси билан учрашиб турадими?**

- Ҳа, вақти-вақти билан бориб кўриб туради. Балки отаси ўғлимни айнитиб қўйгандир?

- **Мақсуда опа билан узоқ суҳбатлашдик. Чиндан ҳам вояга етган ўғил онага суячқ бўлиш ўрнига унинг дилини оғритса? Она дилини оғритган инсон бир кунни хор бўлади.**

- **Азиз мухлис, сиз бу ноинсоф ўғилга нима деб маслаҳат берасиз?**

ГУЛБАШАКАР



тўғри. Лекин баъзан бундан ҳам баттар манзараларга дуч келасан киши.

Бир кунни турмуш ўртоғим билан бозорга харид учун бордик. Иккита ёш жувон тасодифан олдимизга тушиб қолишди. Кийинишлари башанг. Биттасининг мини юбкасининг орқа томони, иккинчисиники ёнбош томони кесилган. Ички кийим, турси оқ рангда бўлиб кичик хилидан экан, яққол кўзга ташланиб турибди. Мен аёлимга қарайман, аёлим эса менга. Мен ерга қараб куламан ва бош чайқайман, аёлим эса «вой шарманда» деган сўздан бошқа гап тополмайдди. Шу йили феврал ойида бир дўстим билан ҳазрат Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирдан чиқиб Тошкент архитектура институти ёнидан ўтиб борар эканман, ўзбек мил-

**“Мода дегани беҳаёлик эмас”-22-сон**

**ЭСЛАТМА:** Бугун айрим юрталлашларимизнинг кўриниши—рафторидаги қусураар кўнгалга хижиллик солмоқда.Телевизорда ярим-яланғочлар, кўча-кўйда яланғоч аёллар... Нега ота-оналар қизларнинг кийинишга бунчалик бефарқ?

Муаллиф: Саломат МАМАТҚУЛОВА

қўйди. Ана маданият, ана сизга одоб, бу нима деган гап ўзи? Ҳамма гап ота-оналарда деб ўйлайман. Фарзандига кийим кийдириш албатта уларнинг зиммасига юкланган бўлиши керак. Ҳеч бир ота-она ўз кизининг шундай ҳолатда бутун бир шаҳар ёки туман, ё бўлмаса маҳаллада шу тариқа тани баданини ярим яланғоч ҳолатда юришини истамаса керак. Балки буни истагувчи ота-оналар ҳам бордир, ахир беш кўл баробар эмас-ку! Қай ҳолда бўлсак-

ўйлайлик. Уларни кийиниш маданиятига эътибор берайлик.

Эртага улар ўзга хонадоннинг аъзоси бўлишади. Тиббиёт нуқтаи назаридан қандай билмайман-у, тор шим, тор кўйлақлар эртага уларнинг она деган буюк номга сазовор бўлишига, соғлом фарзанд кўришига қандай таъсир этар экан? Бу каби муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим. Матбуот ва телевидениеда мунозарали кўрсатувлар берилса, маҳалла маслаҳатчилари, мутахассис шифокорлар жалб қилиниб, фикр мулоҳазалар юритсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Нима бўлганда ҳам ўзимизни ва ўзлигимизни унутмайлик. Кийиниш маданиятига алоҳида эътибор бериб, инсоний фазилатларимизни ўзимизда мужассам қилиб, беҳаёлик деган иллатдан фориғ бўлайлик.

**“Аёл буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган. Маданиятнинг қай даражадалиги аёлга нисбатан муносабат билан ўлчанади. Қиз боланинг жамики бойлигининг номуни, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлироқдир. Табиат аёлга шун-**

# ЎЗЛИГИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК!

**Р**аҳмат сизга муаллиф, ҳақ гапни ёзибсиз. Тор шим, мини юбка, курахни ярим яланғоч очиб юрвчилар, тор кўйлақ кийиб киндикни кўрсатувчилар республикамизнинг ҳоҳлаган бир гўшасида топилади. Ҳаё, ибод, ор-номусни ўйламаган бу каби аёлларга нима дейиш мумкин. Ахир уларда ҳам ота-она, ака-ука, опа-сингил бордир, улар қаерга қарашяпти. Наҳотки булар ўзлигини унутаётган бўлсалар! Бундай кийинишдан мақсад нима? Ахир кўча-кўйда, жамоат жойида бундай юриш беҳаёликнинг ўзи-ку! Гоҳида модага берилиб, биз кимлигимизни унутайтирмиз.

Мақола муаллифи кўз олдида содир бўлган воқеаларни рўйроқ тасвирлаган, чегарадан чиқмаган, айтилган фикрлар тўпла-

латига мансуб икки толибанинг тор шим кийиб, киндигини очиб ҳолатда кўрдим-у, хайратдан ёқа ушладим. «Ота-онанга раҳмат!» дедим ичимда. Қиш фасли бўлса-у, бу қизлар киндик ва белларини кўрсатиб юрса, ёки бўлмаса шу жойда, кинотеатр ёнида ўғил ва қизларнинг кучоқлашиб ўтиргани, қизларнинг сигарета чекиб турганини кўриб, энсам қотиб кетди. Ҳеч нарсадан бекаму кўст бўлган қизлар ва йигитлар-а, республикамизнинг марказида-я? Нима жин урди, нима бало бўлдиёв буларга? Афсус, афсус тадбирдан олган таассуротларим биларни кўриб чил-парчин бўлди-

да маданият ва маънавият, қадрият, одоб ахлоқ эсдан чиқмаслиги керак. «Гапни индаллосини айтсам, айрим аёлларимизнинг очиб юрмаган ҳеч қандай сирли жойи қолмади-ёв! Хола кўчада бир аёлни кўрдим тор шим кийиб олибди, думбаси ҳисор кўйининг думбасига ўхшайди», деган фикрлар билдирилди мақолада. Ёш бола ҳам тўғри хулоса чиқарган. Думбасини кўрсатиб юрвчи қизлар йўқ эмас, албатта бор-да. Уларда шарм ҳаё нима қилсин. Ибо ва ҳаёни, ор-номусни, одоб ахлоқни унутмайлик. Азиз ота-оналар, акажонлар! Фарзандларимиз ва сингилларимиз тақдир, эртасини

дай дейди: **Уддасидан чиқсанг гўзал бўл, ҳоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт. Одобни номусдан, номусни эса одобдан ажратиб бўлмайди, башарти униси ҳам, буниси ҳам нурай бошла-са ва емирилса, бор кўркам бино йиқилади, қадрсизланади, уни энди нафратдан бўлак ҳеч бир туйғу уйғотмайди»** каби ҳикматларни аёлларимиз доимо эсда сақлаб юришларини маслаҳат берган бўлардим.

**Ўқтам ДҮСЧАНОВ,**  
**Хоразм вилояти, Хонқа тумани,**  
**Сарапоён қишлоғи.**

**Я**қинда 60-65 ёшлардаги онахон билан тасодифан учрашиб қолдим. Онахон ярим яланғоч кийинган қизлар ҳақида кўйиб-ёниб гапира кетди: «Бизнинг баъзи қизларимиз кийинишда хориз фуқароларидан ҳам ўтиб кетишмаяптими? Бундай қизларни кимлар келин қилишаркан? Уларни қандай ота-оналар тарбиялашаётган экан? Моданинг орқасидан қувиб, фарзандларимизнинг кўнглига қараймизу аммо уларнинг соғликлари ҳақида ўйламаймиз. Чунки улар эртага она бўлишади-ку! Тор шим ва тор кофта инсон организм учун ниҳоятда зарарли эканини тушунмаймиз. Замонавий кийинимиз, деб ўзимизни, ўзлигимизни, миллийлигимизни унутиб юбормаймизми? Қолаверса, биз атласу, адрасларимиз билан бутун дунёни лол қолдирганмиз-ку! Наҳотки шу ҳақда бир ўйлаб кўрмасак», - деди онахон.

Ховлимиз кўриқиси, болаларим эрмаги, оила аъзоси бўлган итларни эъзозлайлик. Ит ҳам табиатнинг бир бўлаги. Қанчонлардир, илм туфайли, ит одамни, одам эса ит тилини тушунадиган бўлар. Ушанда итлар ширин суҳбатдош ҳам бўлиши мумкин.

Бу - келажакда. Бугун эса итларни эҳтиёт қилайлик, ювиб-тараб, овқатини вақтида бериб, озор етказмай сақлайлик.

Итлар эса, албатта бизга вафо билан қайтарадилар. Бу аларга она сўти билан кирган.

Анвар ТОҲИЕВ

**СОБИҚ КУЁВ**

Суд раиси, ўрта ёшлардаги боқишлари вазири, жиддий эрақ собиқ эр-хотинлар ўлмас ва Ҳимоятга ажрим қозонини тутқазаркан таъкидлади:

- Болалар она билан қолади. Лекин сиз ота сифатида болалар балоғатга етгунча таъминлашга бурчлисиз. Шу билан бирга уларни йўқлаб ҳабар олиб туришга ҳам ҳаққингиз бор.

Суд биносидан чиқишган, иккаласи икки томонга йўл олишди. Ўлмас болалари кетидан ачиниш ва ўзи истамаган ҳолда афсус билан қараб қолди.

Орадан икки ҳафтача ўтиб, Ўлмас собиқ қайноғасиникига қизи ва ўғлини кўргани борди. Абдуманнон ака қаёққадир кетган экан Ҳимоят ва онаси хушламай қарши олишди. Ўлмас афтидан бундай муомалага тайёр ҳам эди. Қизи ул-бул нарсага ақли етиб қолган экан!

- Дада, нимага ўтииб чой ичмайсиз? - дейиши дард устига чипқон бўлди. Беихтиёр ўтган йиллар хаёлида жонланди. Яқинларгача бу хонадонга унинг келиши байрамдай нишонланарди. Энди эса ҳаммаси ўтмишга айланиб, хотирада қолди.

- Кўявер, қизим, - деди ноилоҳ. - Чой ичиб келганман. Қорним тўк.

Шуни устига Абдуманнон ака келиб қолди. Собиқ куёвиги кўзи тушгач, афти буришиб, кайфияти ҳам бузилди. Берилган саломга зўрға, номигагина алик олган бўлди.

- Яна нима каминг бор? - деди истехзо билан.

- Ҳеч қанақа камим йўқ, - деди Ўлмас совуққина қилиб. - Болаларни кўргани келдим. Отаман, ҳаққим бор.

Абдуманнон ака турган жойида аламдан ўзини араг тийиб бир муддат сукут сақлаб турди-да, кейин насихат оҳангида гап бошлади.

- Ўзинг кап-катта, ҳар нарсага тушунадиган йигитсан. У айтганинг шаҳарларда, замонавий дейдими, ўқимшли, зиёлиларни орасида бўлса бордир. Бу ерда кишлоқчилик, маҳаллачилик. Эр-хотин ажрашгандан кейин бир-бирига номаҳрам, юз кўрмас! Болаларингга инсоф берса катта бўлганда отам, деб йўқлаб боришар. Ўшангача энди чидайсан. Бошқа келиб бизни безовта қилиб юрма. Кўрган-эшитган нима дейди?

Ўлмас бошини хиёл эгиб индама турди-да, кейин ҳовлини тарк этди. Яна ўн кунча ўтгач, Абдуманнон ака даладаги томорқасига сув қуйиб келаётиб уйига яқинлашганда, кўшниси Бозорбой олдида чикиб:

- Абдуманнон ака, тинчликми? - деб сўради.

- Нима гап? - ҳеч нарсага тушунмай кўнгли гашланди Абдуманнон аканинг. - Куёвингиз келиб ўтирибди. Илоҳи бўлса яраштираверинг. Ўртада болалар бор. Иккаласи икки томонда сарсон бўлиб юрадимми?

Абдуманнон аканинг миясига қон урди. Чарчаб бориб, дам оламан деган одам бирдан ёввойи куч асирига айланди.

- Падар лаънат, ифлос, сенга яна пишириб қуйибдимми бу ерда? - ҳовлига кирган заҳоти Ўлмасга кўзи тушгач, заҳрини сочди. - Ўтган сафар нима дегандим? Нима бу ерни ўйнашхона қилмоқчимсан?

- Сал ўзингизни босинг! - деди Ўлмас писандали қилиб. - Болалар меники. Хабар олишга ҳаққим бор. Судда шундай дейилган.

- Ҳе, ўша сенга ҳуқуқ берган суднингиям, прокуратурангния! - газабдан ҳансираб кетмонни бир четга улоқтириб, Ўлмасга чанг солди Абдуманнон ака. - Бола керак экан, ҳаққин бор экан, ... еб ажрашдингми? Шаям қилганинг берадиган садақанг бўлса, бермай қўя қол! Бу уйда ҳали ҳеч ким оқ қолмаган!

Шуни устига Абдуманнон аканинг катта ўғли келиб қолди. Ва у ҳам сабабини суриштирмай, отасига қўшилди. Ота-ўғил обдон, хумордан чиққунча собиқ куёвларини дўппослашди. Ўлмас руҳи синиб, калтаклардан эзилиб, оёқда зўрға турадиган бир ҳолда чикиб кетди. Абдуманнон ака ҳали ҳовурини

босолмай, ҳансираб турганида хотини ёнига келди.

- Сиз ҳам оширвордингиз-ов! Шунчалик қилиш керакмиди, бировнинг боласини?

- Нима, уни қадамага поёндоз тўшашим керакмиди? - хотинига ўқрайди Абдуманнон ака. - Ё, тўрга чиқариб олдига дастурхон ёзишим керакмиди?

- Болалардан кўнгил узолмаяпти. Ярашгиси борга ўхшайди.

- Эндими? - кесатди Абдуманнон ака. - Уйланиш, ажралиш, яна қайтиб уйланиш ўйин экан-да?! Бу аҳмоқда фаҳм бўлганда олдинги сафар келганида айтилган гаплар етарли эди. Бешта сала шу уйда катта бўлдимми? Ўлмай, соғ-саломат юрсақ, булар ҳам кам бўлишмайди.

лани қаердан орттирди экан! Бундай каллангни ишлатиб ўйлаб кўр.

Ўлмас отасига аниқ жавоб қайтармай туриб чиқиб кетди. Кўнгли гашланиб, нима қилишини билмай, шаҳарга йўл олди. Бироз айлангач, бозордан чиқиб келаётган қизи, ўғли ва собиқ хотини Ҳимоятга кўзи тушиб, юраги алланечук бўлиб гурс-гурс уриб кетди. Таваққал деб қаршисига борди. Ҳайрият, Ҳимоят ҳам силтаб ташламади. Ноилоҳ саломлашди. Ўлмас қизи ва ўғлини бағрига босиб, пешоналаридан ўпди, қўлларига пул берди.

- Дадаларингни саҳийликларини тутганда фойдаланиб қолинглар, - кулимсиради Ҳимоят.

- Дада, қачон келасиз? - эркаланди қизи.

- Бундай бўлиш-бўлмаслиги ўзингга боғлиқмасми?

- Барибир номи чиққан ёмон жой, - узил-кесил жавобини айтди Ҳимоят.

- Балки келишасан, бошқатдан яшасан бўлар, - бир оз эҳтиёткорлик билан сўради Ўлмас.

- Билмадим, - иккиланди Ҳимоят. - Лекин у ҳовлига қайтиб бормайман. Бошқа жойдан яхши уй топсангиз, ўйлаб кўрарман.

Ўлмас Ҳимоят билан ноилоҳ ҳайрланди-да, йўлга тушди. Яхши жой, яхши уй деганини шунга яраша баҳоси ҳам бўлади-да. Ота-онаси унинг хотинини деб бу кенг ҳовлидан кетишига рози бўлишмайди. Яна ўзини аро йўлда, сарсон кўчада деб ҳис қилди. Фирқларини жамлаб бир қарорга келиш учунми, барга кириб тўйгунча ичди.

Кайф таъсирида ўтган йилларнинг бутун аламлари юзага қалқиб чиқди. У ҳозир шу тоғда ҳамма нарсадан нафратланиб борарди. Ўғлининг авзойини кўрган она остонадаёқ жаврашга тушди.

- Яна ичиб келдингми? Қачон хушингни йигиб олсан, сен бола? Номусларгаям ўлдиридинг-ку! Сен тенгилар катта бир оилани бошқариб ота-онасини яйратиб қўйибди. Сен бўлсанг...

- Гапирман! - қўлини паҳса қилиб ўдағайлади Ўлмас.

- Бунга ким сабабчи? Мен ўша сиз айтганлардан кам-мидим?

- Нимага оймимга дўқ урасиз? - шу пайт ёнида синглиси Наима пайдо бўлди. - Нима, ўтказиб қўйганмисиз, ё боқиб катта қилганмисиз?

- Наридир! - жеркиб берди Ўлмас. - Қиз бола бошинг билан қайнонадан ўтказвординг! Муомала қилсаларинг у ҳам одам боласи, тушунарди.

- Ҳали хотинингиз кетганини мендан кўрарсиз! - нафратланиб кетди сингли.

- Бўлмаса ким? - энди синглисига заҳрини сочди Ўлмас. - Ҳаммаларинг оппоқ битта мен ёмон! Шу феълинг учун ўттиздан ошиб кетсанг ҳам биров сўраб келмайди. Ўзингни бахтсизлигинг аламга бошқаларни ҳам яшашини кўролмадинг.

# АТТИРИК

Хотини мулзам бўлиб, бошқа гапирмади-ю, таассуф билан бош чайқаб кўйди.


Ўлмас калтаклар зарбидан қақшаб, эзилиб бораркан, қандайдир бир нидо келиб, ўч олишга ундарди. Яна буни қайси йўл билан амалга оширишни режалаштиролмай, қолаверса, у ерда иккита боласи борлигини ўйлаб, шаштидан қайтди. Тамаддихонага кириб, овқат билан бирга икки қадаҳ ичди. Зарблар тарқаб, хийла энгиллашгандек бўлди.

- Мана, ойи, - деди ҳовлисига келгач, онасига кўзи тушиб. - Айтганларингдек бўлди. Қўтулдиларинг ҳаммасидан. Ўртада болалар сарсон.

- Ҳали ҳам кеч эмас, ўғлим, - оғринди она. - Кўнглинг бўлса, бориб ичкуёв бўлиб ўтиравер. Хотинингни биз ҳайдабмизми?

- Билмадим, - деди Ўлмас боши гувиллаб. - Мен бу хотини илгари танимасдим ҳам, билмасдим ҳам. Ўзларинг ёқтириб, келин қилгандиларинг. Сиз келин бўлмаганмисиз? Қайнонанинг, дадам билан жанжаллашмаганмисиз?

Она бу гаплардан довдираб, сал бўлмаса ўзини йўқотиб



# НАСРОДОЛМИК

кўяёзди. Шу пайт қаёқдан отаси ва акаси пайдо бўлишиб, Ўлмаснинг ҳолатини кўриб қўлтиғидан олишди.

- Юр, ўғлим, - деди ота хонага етаклаб. - Кириб, бирпас дамингни ол, ҳаммаси ўтиб кетади.

**ҚОТИЛ СИНГИЛ**

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Ўлмас бошқа уйланмади. Ҳимоят ҳам турмуш қурмади. Ота-она ҳар-ҳар замонда гап орасида бунга ишора қилишганда Ўлмас асабийлашиб, ўрнидан туриб кетарди. Ниҳоят бир кун ота ўғлини олдига ўтказиб насихат қилмоқчи бўлди.

- Энди, ўғлим, бўлар иш бўлди. Бу юришингдан фойда йўқ. Сен кенжа ўғилсан. Бу ҳовли-жойлар сеники...

- Менга ким тегарди? - чўрт кесди Ўлмас.

- Қиз бола бўлмаса ҳам яхши бева-лар бор, - деди ота ниманидир чама-лаб. - Эй! - ижирганиб қўл силтади Ўлмас. - Бировдан қолган хотинни хотин қиламанми?

- Бўлмаса нима тупурган тупуғингни қайтиб олмоқчимсан? - қизишди ота. - У хотин энди сенга хотинлик қилармиди? Онангни уриб пешонасини ёрди. Сени бетингга қараб: "Эркакмассан!" - деди. Сен эркак бўлмасанг, у иккита бо-

- Яқинда, қизим... - каловланиб қолди Ўлмас.

Четроқ бир йўлакка ўтиб, анча жойгача гаплашиб кетишди.

- Кичик укам ҳам уй олиб чиқиб кетмоқчи, - деди Ҳимоят Ўлмаснинг ҳолаҳвол сўраганига жавобан. - Нимага? - ажабланди Ўлмас. - У кенжа-ку...

- Билмасам, - елка қисди Ҳимоят. - Дадам: "Бу болалар биздан кейин ҳам шу ерда ораверишадилар, қизни чиқариб, ўғилни уйлайсизлар", дегандилар, ўшандан бери тўнни тескари кийиб олган. Бу болаларнинг отаси тирик, онаси тирик бўлса-ю, менга танми, дегандай қилаяпти-да.

Ўлмас ноқулай аҳволга тушиб қолди.

- Шаҳарда, учинчи даҳада "дом"лар бемалолроқ, - деди бироз сукутдан кейин. - Бир танишим кўчиб кетаяпти, икки хонали квартира, ҳамма шароити бор, шуни олиб берай, бориб яшайсанми?

- Керакмас! - кескин рад қилди Ҳимоят. - У ёққа текинга ҳам бормайман.

- Сабаб! - тушунмаган бўлди Ўлмас.

- Билмагандай гапирасиз-а! - синовчан боқди Ҳимоят. - У ерда кўпроқ эрсиз, бўзқ хотинлар яшайди. Ҳар қайсисини уйлашлари қелиб туради. Мени ўшалар билан бир жойга тикмоқчимисиз?

Бу камситиш Наиманинг миясига ўқдай ботди. Беихтиёр кўзи нарироқда ётган темир сопли болгага тушди. Шартта бориб, энгашиб олди-да, кела солиб акасининг бошига орқа томондан зарб билан туширди. Бу пайтда Ўлмас ҳамма наарсага қўл силтаб, ичкарига кирмоқчи бўлиб турувди, гандирақлаб йиқилиб, киришдаги бетон зиначага боши билан урилди. Аф-башараси қонга беланди.

Она хуши бошидан учиб, додлаб юборди.

- Болам! Нима қилиб қўйдинг, мега-жигит!?

Акасининг тепасида ранги қув оқариб, қўлида болга, дир-дир титраганча тили калимага келмай Наима турарди.

**Ҳақиқатдан юз берган ушбу воқеани қандай бўлса, шундайгина ёздим. Воқеа нега бу тахлит аянчилик учун топди? Шундай бўлмаслиги учун нима қили керак эди? Нима қилсақ, қандай йўл тутсақ—онилар бутун, эр-хотинлар бахтиёр, болалар фаровон, кекса ота-оналаримиз хотир-жам, умр кечиряшадилар? Саволлар, саволлар, саволлар... Келинг, бир-гликда муҳокама қилайлик...**

# ЮЗИНГИЗ УЧУН ОЗУҚА-ДАСТУРХОНДА...



## МУЗЛАТИЛГАН МЕВА БЎЛАКЛАРИ

### Куруқ терига:

иккига бўлинган узум, парракланган бодринг ва киви бўлаклари музхонада музлатилади. Ҳар куни эрталаб сал эриган мева бўлаклари билан бўйин ва юз териси уқаланади.

### Ёғли терига:

Мандарин, апельсин ёки помидор бўлақларини музлатиб, юз ва бўйинни уқалаш тавсия этилади.

### Ҳар қандай тери учун:

1 стакан майдаланган петрушка устига 1/4 стакан қайноқ сув қуйилади. 1 соат тиндириб қўйга музлатинг. Ҳавонинг иссиқ пайтида ушбу муз бўлақлари билан юзни уқаласангиз, тетиклаштиради.

### НИҚОБ Малина

**Куруқ ва нормал тери учун:** 2 ош қошиқ эзилган малина меваси устига 1 ош қошиқ қаймоқ ва 1 чой қошиқ картошка крахмали қўйилади. Аралашмани юзга суртган 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланади.

## АЖИН ТУШМАСИН, ДЕСАНГИЗ...

### Зигир уруғи

**Ҳар қандай тери учун:** 1 ош қошиқ зигир уруғи устига 2/3 стакан қайноқ сув қуйилади. 1 соат тиндириб қўйган, эзиб паст оловда 3 дақиқа қайнатилади. Тайёр бўлган бўтқани юз ва бўйинга суриб, устидан дока билан ёпилади. 15-20 дақиқадан сўнг эса ниқоб олиб ташланган, юз илиқ сув билан ювилади.

### КАРТОШКА

**Ҳамма турдаги тери учун:** хом картошкани майда қирғичдан чиқариб, 1 дона тухум саригини қўшинг. Хосил бўлган бўтқани юзга суртиб, дока билан ёпинг. 15 дақиқадан сўнг, совуқ сув билан ювилади.

### ПИВО

Кексайишнинг олдини олиш учун ҳар куни эрталаб ва кечқурун пиво билан ювинишга одатланинг.

### БАНАНЛАР


Ҳар қандай тери учун (ажин тушишининг олдини олади) 1/3 грамм пишиб етилган бананни яхшилаб эзиб юз ва бўйинга сурилади.

→ Бананларни ҳар қандай ширин мева билан қўшиб ейиш мумкин. Икки дона бананнинг ўзи бир ярим соатга етадиган қувват бағишлаб, кун бўйи кайфиятни кўтаради. Банан таркибидаги В6, В12 дармондорилари, калий ва магний танани никотин билан таъминлашга ёрдам беради.

### ОЛМА

**Қарий бошлаган терига:** 2 ош қошиқ олма бўтқасини (ёки пиширилган олма этини) 1 чой қошиқ асал ва 1/2 чой қошиқ ўсимлик ёғи билан аралаштиринг. Бўйин ва юз терисига суриб, устидан дока ёпинг. Ниқоб 15 дақиқадан сўнг ювиб ташланади ва бирор ёғли кремдан суриб қўйилади.

Олма уруғида йод миқдори жуда кўп. Тана учун ниҳоятда зарур бўлган йоднинг етарли бўлиши учун 5-6 дона олма уруғининг ўзи кифоя қилар экан. Ҳар қандай таомни егандан сўнг охирида олма ейишга нафақат тана, балки тишлар учун ҳам жуда фойдали.



**Аёл неча ёшда бўлмасин доимий равишда гўзалликка интилиши, ҳусну тароватини сақлаб қолиши лозим. Бунинг учун ўзига эътибор бериши, юз терисини парвариш қилишдан эринмаслиги лозим.**

**Юз парваришига зарур озукаларни қаердан оламан, деб ўйлапсизми? Ҳаммаси ошхонангиздаги музлаткичда ва ёки дастурхон устида бор. Кўрдингизми? Мана энди парваришни бошланг...**

(Давоми.  
Боши ўтган сонда)

### ПИЁЗ

**Ёғли терига:** юз терингизда пигмент доғлар бўлса, кунига 2 маҳал пиёз шарбати билан артиб, устидан юпка қилиб қаймоқ суриб чиқасиз. 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювасиз.

### СУТ

**Ҳомиладорлик давридан қолган доғларни кетказиш учун:** 3 ош қошиқ сутни 1 ош қошиқ ароқ билан аралаштирасиз. Уйкуга ётишдан олдин терининг доғ тушган жойларини артасиз.

### НИҚОБЛАР

#### Бодринг шарбати

**Куруқ тери учун:** 1 ош қошиқ бодринг шарбатини 1 дона тухум сариги билан аралаштирасиз. Юзга сургач, 15 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб, бирорта ўсимлик ёғи ёки ёғли кремдан сурилади.

### ПЕТРУШКА

**Ҳамма турдаги терилар учун:** майдаланган петрушканинг 1 ош қошиғи устига 1 ош қошиқ қаймоқ қўйилади. Юзга суртган, 15-20 дақиқадан сўнг сут билан ювилади.

### КАРАМ

**Универсал восита:** унча кўп бўлмаган пигмент доғларни ҳар куни тузланган карам шарбати билан кетказинг. Бунинг учун дока бўлагини карам шарбатига ботириб олиб, доғ устига қўйилади-да, 15 дақиқадан сўнг ювилади.

### ТЕТИКЛАШТИРАМИЗ

**Юз терисини тетиклаштириш учун пуркагич (пультризатор) билан қуйидаги воситаларни сепасиз:**

→ Қайнатиб совутилган музлаткичга қўйилган совуқ сув пурканг;

→ Сиқиб олинган узум шарбати билан сув 1/4 миқдоридан аралаштирилиб пуркалса, юз терисининг чарчоғини йўқотиб, дарҳол тетиклаштиради;

→ Юзга совутилган шампан виносидан сепиш ҳам мумкин;

## УЗУМ

**Куруқ ва нормал терига:** узум билан қаймоқни тенг миқдорда аралаштириб юзга сурилади-да, устидан дока билан ёпилади. Ниқоб 12-15 дақиқадан сўнг сут қўшилган сув билан ювилади.

## ЎРИК

**Куруқ терига:** 1 ош қошиқ эзилган ўрикни 1/2 ош қошиқ қаймоқ билан аралаштирилади. Юзга сургач, 15 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювилади.

**Куёш нуридан қуйганда:** терига совуқ қаймоқ ёки кефир суриг.

## ПОМИДОР ВА ЛИМОН

**Ёғли ва куруқ терига:** 2 ош қошиқ помидор бўтқасини 1 чой қошиқ лимон шарбати билан аралаштиринг. Ушбу аралашмага докани ботириб юзингизга қўйинг. 5-17 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювинг.

## БОДРИНГ!

**Ёғлиқ терига:** 2 ош қошиқ қирғичдан чиқарилган бодринг, бир дона тухум оқи билан аралаштирилади-да, кўпиртирилади. 3-4 томчи лимон шарбатидан қўшиб, юзга сурилади. Устидан бир қават қилиб дока ёпилади. 15 дақиқадан сўнг совуқ сув билан ювилади.

## КЎЗ АТРОФИДАГИ АЖИНЛАРГА ҚАРШИ

Музлатилган бодринг ёки картошкани паррак-паррак тўраб, кўз атрофларига 10-15 минутга қўйиб чиқинг. Сўнг иссиқ ўсимлик ёғи билан массаж қилинг. Юқори қовоқдан - кўзнинг ички бурчагидан ташқи томонга қарата энгил айланма массаж қилинг. Ҳаракатни кўзнинг пастки қовоғида ҳам давом эттиринг. Кўзларни юмиб, 10 минут дам олинг, сўнг салфетка билан артинг.

→ Петрушка илдизи ёки сабзи илдизини қирғичдан чиқариб, икки қаватли дока оралиғига қўйинг ва қовоқларга босинг. 20 минут дам олиб ётинг. Сўнг илиқ сувда ювиб, озиклантирувчи крем суртинг.

## Фойдали маслаҳатлар

→ Уй шароитида фақат янги узилган сабзавот ва мевалардан фойдаланинг.

→ Мева, сабзавотли ниқобларни юзга суришдан олдин тайёрланг. Афсуски косметик воситаларни ҳатто музлаткичда ҳам узоқ вақтга сақлаб бўлмайди. Фақат лосьонларнигина 1-2 кунгача сақлаш мумкин. Музлатилган шарбат ва дамламалар эса 2 ҳафтагача сақланади.

→ Ниқобларни юзингизга уқалаш чизиги бўйича суриб чиқиш тавсия этилади. Кремлар ҳам шу усулда сурилади.

→ Ниқобларни бир ҳафтада икки марта қилиш лозим. Уни юзда 25-30 дақиқадан ортқ тутиб бўлмайди.

→ Юз ювганда арзон ювиниш воситаларидан (масалан кирсовун) фойдаланмаганингиз маъқул.

→ Иссиқ сув билан ювинманг. Шунингдек, агар юзингиз териси куруқ бўлса совуқ сувда ҳам кўп ювиниш мумкин эмас.

→ Ювилган юзингизни қаттиқ сочқилар билан артишга одатланманг. Юзингизни артмасдан, сочқикни босиб-босиб қуртинг. Сўнг намлантирувчи бирон та кремдан суриг.

→ Таркибида спирти бўлган глицеринли лосьонлардан камроқ фойдаланинг. Ёки умуман фойдаланманг.

→ Уйкуга ётишдан олдин, (айниқса ёзнинг иссиқ кунларида) юзингиздаги пардозни албатта тозалаб ювинг. Акс ҳолда тез ажинлар тушиб кетишига сабаб бўлади.

→ Шунингдек, кўпроқ жилмайишга ҳаракат қилинг. Терингиз ҳамisha тетик ва таранг бўлиб, соғлом ва чиройли кўриниши учун мунтазам намлантириб, вақти-вақти билан озиклантириб туринг.

**ДИЛБАР ВА БАСИРА тайёрлашди.**

# ЁЗИНГИЗ СОЗ ЎТСИН...



## ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Ёз фаслида овқатдан заҳарланиш кўп учраб туради. Овқатдан заҳарланиш кўпинча, сифати яхши бўлмаган маҳсулотларни истеъмол қилиш ё маҳсулотларни нотўғри сақлаш оқибатида содир бўлади.

Айниқса, микроорганизм тез ўсган қўйма, паштет ва колбаслардан заҳарланиш эҳтимоли кўпайиб, тез тарқаладиган маҳсу-

луклардан заҳарланиш эҳтимоли кўпроқ. Шунингдек, майонез қўшилган салатлардан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Санитар-гигиеник нуқтаи назардан бундай маҳсулотларнинг сақланиш муддати бир соатдан ошмаслиги лозим. Шу сабабдан, бир ўтиришдаёқ еб тугатиладиган салатлар тайёрланган. Салатлар ортиб қолган тақдирда, қолган қисмини ташлаб юбориш лозим. Сақланиш муддати номаълум майонез қўшиб тайёрланган салатларни сотиб олиш тавсия этилмайди.

Кўчада сотиладиган, пиширилиш муддати ва сифати кишида иккиланиш пайдо қиладиган яна бир маҳсулот бу — гумма (пирожки), хот-доғлардир. Енгил пиширилган гўшт бўлаклари — шаурма ҳам микроблар кўпайиши учун жуда қулай таомдир.

Овқатдан заҳарланишнинг дастлабки белгилари (умумий кўриниши — кўнгил айнаши) айниган таом ёки мева маҳсулотлари егандан 2-4 соат ўтиб пайдо бўлади. Бу аломатларга тез-тез қусиш, қориннинг бураб оғриши, тез-тез ҳожатга бориш каби белгилар қўшилади. Тана ҳарорати 38-40°гача кўтариледи. Бундай ҳолда, албатта "Тез ёрдам"ни чақириб керак. Заҳарланишнингизга сабаб бўлган овқат қолдигани шифокорга кўрсатишингиз тўғри ташхис қўйилиши ва даволанишингиз учун омил бўлади.

**Шифокор келгунча биринчи ёрдам** — ошқозонни ювиш лозим. Бунинг учун 1,5-2 л. илиқ сувни ичиб, бармогингизни томогингизга тикиб, қусишга ҳаракат қилиш керак. Буни 2-3 маротаба такрорланг. Сув ўрнига оч пушти марганцовка эритмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу амаллардан сўнг эт жимирлаб, уюшади. Шунинг учун енгил кўрпага ўраниб, ўринга ётиш ва оёққа ҳамда кўлларга иссиқ грелка қўйиш керак.

Овқатдан заҳарланганда тез-тез суюқлик ичиб туриш зарур. Яхши-си, унча ширин бўлмаган иссиқ чой ичиш лозим.

Гўшт ва балиқ маҳсулотларидан заҳарланганда 1-2 кун ҳеч нарса емай юриш тавсия этилади.

## Дори-дармонсиз дам олинг!

Ёз—узоқ-яқинга сафарга чиқиш фасли. Сафарга отланишда, албатта энг керакли дори-дармонларни олиб олиш керак. Бундай "йўл дориҳонаси" сизга албатта асқотади. Бироқ бундай тадорикини кўриш эсингиздан чиққан бўлса, бу фожиа эмас...

**Бирдан бош оғриги хуруж қилиб қолса**, халқ табобатида кенг қўлланадиган восита - картошқадан компресс қилишдир. Бунинг учун картошқа пўстини арчимасдан қайнатиб, сўнг уни эзиб, пешона ва чаккага қўйиш керак.

**Бош оғригининг сабаби артериал қон босими ортанлигидан бўлиши мумкин.** Оёққа компресс қилиш қон босимининг тушишига яхши таъсир кўрсатади. Худди шу мақсадда, олма сиркаси шимдирилган латтани товонга 8-10 дақиқа қўйилса ҳам яхши натижа беради.

Агар, аксинча, **гипертония - қон босимингиз тушиб кетса**, ўзингизни яхши ҳис қилишингиз учун, эрталаб чўмилишга боришдан ёки бошқа ишларни қилишдан олдин, кўл жимжиллоқларини 2-3 дақиқа уқалаш лозим.

Сув ва овқатланиш рақибони алмашиши сабабли ичакларда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. **Қорин дам бўлганда**, қуйидагилар тавсия этилади:

- эрталаб оч қоринга етилиб пишган олхўрини ейиш;
- нонушта ва тушлик ўртасида, ҳар ярим соатда қайнатиб, совутилган сув ичиш;
- қуруқ нўхатни чайнаш;
- 30 г. асал аралаштирилган ярим стакан иссиқ сутни тунги уйкуга ётишдан аввал ичиш.

**Қорин дам бўлиши оқибатида ич кетиш ҳам қузатилиши мумкин. Бу касалликни халқ табобатида қуйидаги усуллар билан даволаш мумкин:**

- марганцовканинг суэ эритмасидан 0,5 стакан ичиш;
  - гуруч қайнатмаси, кисел ёки аччиқ чой ичиш;
  - нок мевасининг қайнатмаси ёки шарбатидан ичиш.
- Агар ич кетишда қорин бураб оғриса қоринга қуйиладиган сирқали компресс ҳам фойда беради. Бунда катталар учун сирка ва сув миқдори тенгма-тенг олинади, болалар учун эса 1 қисм сиркага 3 қисм сув қўшилади.

Овқатланиш режими ва рақибони ўзгариши муносабати билан қоринда оғирлик ва хуружли оғриқлар пайдо бўлиши мумкин. Бундай ноқулай ҳолатларга чек қўйиш учун, янги пиширилган нон, ширинликлар, нўхат, ловия, қарам, картошқа каби маҳсулотларни истеъмол қилишдан, шунингдек, маълум муддатгача газли ичимликлардан тийилиш керак. Таркибда оқсил моддаси бор бўлган - гўшт, балиқ, творог, чўчүк қатиқ каби маҳсулотларни ейиш эса фойдалидир.

## САМОЛЁТДА УЧИБ КЕТАЁТИБ...



Баъзи кишиларга самолётда учиб кўпгина ноқулайликларни туғдиради. Кўп соатлик училар давомида ўриндикда ўтирган кишининг оёғида шиш пайдо бўлиши, суюқларнинг зирқираши, бош оғриши ва нафас олишнинг оғирлашиши кузатилади. Самолёт бортида ўзингизни яхши ҳис этишингиз учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилишингизни тавсия этамиз:

→ оёқ кийимингизни ечиб ёки ботинкангиз ипларини бўшатиб ўтириш;

→ эркаклар камар ёки галстук боғламларини бўшатиб қўйиш;

→ оёқларни чалиштирмасликни, сабаби, бу ҳолат веналар ва қон томирлар босимини кучайтириб юбориши мумкин;

→ тез-тез ўриндикдан туриб, 2-3 дақиқа мобайнида салон бўйлаб юриш;

→ ўриндикда имкони борича, ўтирган ҳолатни ўзгартириб туриш;

→ ичимлик, айниқса тоза сувни тез-тез ичиб туриш;

→ алкоголь, спиртли ичимликлар, шунингдек, кофе ичмаслик ёки жуда кам миқдорда ичиши.

**Ўриндикда ўтирган ҳолда, учиб давомида ҳар икки соат оралиғида қуйидаги машқларни бажариш жуда фойдали.**

**1 - машқ.** Оёқларни елка кенглигида кериб, ўриндикдан турмаган ҳолда, товонингизни иложи борича полдан юқорига кўтаринг (1-расм). Оёғингизни худди шу ҳолда 10 сония ушлаб туринг, сўнг товонингизни полга қўйинг. Бу машқни 10 марта бажаринг.

**2 - машқ.** Елка баробарида оёқларингизни қўйинг. Иккала оёғингиз панжаларини полдан узинг (2-расм) ва имкони-гиз етганича ўзингизга қарата тортинг (бу пайтда товонлар полда бўлади). Шу ҳолатда 10 сония туринг, сўнг яна аввалги ҳолатга қайтинг. Бу машқни 10 марта такрорланг.

**3 - машқ.** Ўнг оёғингизни кўтаринг. Айланма ҳаракат билан аввал ўнгдан чапга, сўнг чапдан ўнгга 10 марта ҳаракатлантинг. Худди шу машқни чап оёғингиз билан ҳам такрорланг.

**4 - машқ.** Ўнг оёғингизни кўтаринг. Оёғингиз билан ҳавода хоҳлаган сўзни ёзинг (масалан, исмингиз ёки сиз борётган жойнинг номини). Оёғингизни полга қўйинг. Ушбу машқни 10 марта такрорланг.

**5 - машқ.** Ўнг оёғингизни кўтаринг ва аста-секин полга қўйинг, кейин чап оёғингизни шу ҳолатда кўтариб қўйинг. Худди юраётгандек, бирма-бир кўтариб қўяверинг (3-расм). Бу машқни бир дақиқа давомида, ўртача темпда бажаринг.

Ёзги дам олишнинг энг мароқли лаҳзалари очик сув ҳавзаларида чўмилишдир. Аммо очик сув ҳавзаларининг бир қанча қутилмаган ҳодисалари ҳам бор...

Сузишни билмаганлар учун сув ҳавзалари хавfli ҳудуддир. Шунинг учун, иложи борича қирғоққа яқин жойда чўмилиш керак.

## ЧўМИЛИШ ЯХШИ. АММО...

Яхши сузадиган кишилар ҳам сувда техника хавфсизлигига амал қилишлари лозим:

- Чўқурлиги қай даражада эканлигини билмай туриб ёки таниш бўлмаган жойга сузиб бориш мумкин эмас.
- Ёнидаги ҳамроҳи ҳазиллашиб, бир-бирини сувга чўктиришга ҳаракат қилмаслик керак. "Чўктирилаётган" одам жиддий кўрқиб ва нафас йўлига сув кетиб қолиши мумкин, бунинг оқибатида эса унинг томирлари тортилиб қолиши мумкин.
- Офтобда тоблангандан сўнг дарҳол сувга сақраб бўлмайди. Тана ҳароратининг тезда ўзгариши нафас олишни тўхтаб қолишига сабаб бўлиши мумкин.
- Агар сув гирдобига тушиб қолсангиз, ўзингизни йўқотманг. Чўқур нафас олиб, сув остига чўқурроқ шўнғиб гирдобни айланаб ўтишга ҳаракат қилинг ва тезда сув юзига сузиб чиқинг.
- Чўмилиш учун энг қулай вақт, нонуштадан ярим соат кейин - соат 9 дан 12 гача ва тушлиқдан 2-3



соат кейин - 16 дан 17 гача. Сувга киришдан олдин 15-20 дақиқа дам олиб, қуёшда озроқ тобланиб, уқалаш ва жисмоний машқларни бажариш фойдалидир. Ҳомиладорликнинг иккинчи даврини кечираётган аёллар б'чик сув ҳавзаларида чўмилишдан сақланишлари лозим, шунингдек бу маслаҳат буйрак хасталиги билан оғрийдиган кишиларга ҳам тегишли.

(Давоми бор)  
САИДА ВА ХУЛҚАР тайёрлади.



**284** Синглим 31 ёшда. Турмушга чиқмаган. Олий маълумотли. Ишлайди. Чеварпазанда. Бўйи-бастига яраша хусни бор. Оиламиз зиёли. Синглим Гулчегранинг бахтли бўлишини жуда истаймман. Муносиб куёв топилса узатардик.  
**Манзилим тахририятда.**  
Муҳайё.

**285** Ёшим 32 да. Онам билан яшайман. Ишлайман. Ўз уйим бор. Ичмайман, чекмайман. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган, ораста, оқила, 25 ёшгача бўлган (Иложи бўлса дўхтир ёки ҳамшира бўлсин) қиз билан танишиб, оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Бахтиёр

**286** Ёшим 41 да. Олий маълумотли кўркем аёлман. Ишлайман. Чирчиқда уйим бор. 2 нафар фарзандим бор. 50 ёшгача бўлган, ҳаётнинг ачиқ-чучугини тушунган, олий маълумотли, фарзандларимни қабул қила оладиган, (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ) эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Шоҳида

**287** Ёшим 48 да. Ажрашганман. 2 нафар фарзандим бор. Ўзимнинг уйим бор. Олий маълумотлиман. Ишлайман. 58 ёшгача бўлган, тошкентлик, ўз уйи бор, жиддий, диёнатли, ақл-хушли эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Сўғдиёна.

**288** Ёшим 53 да. Эрим вафот этган. Тошкентликман. Мўмина аёлман. 60 ёшгача бўлган, тошкентлик, (аёли вафот этган), уйланишига фарзандлари рози бўлган, оғир-вазмин эркак билан оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Фотима опа

**289** Ёшим 39 да. Ажрашганман. Бир қизчам ва онам билан яшайман. Тошкент вилоятиданман. 45 ёшгача бўлган, Тошкент вилоятида яшайдиган, уй-жойли, ишлайдиган, оилани моддий томондан таъминлаб, қизимга оталик меҳрини бера оладиган, жиддий эркак билан оила қуриш ниятидаман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Гулрух

**290** Ёшим 30 да. Бир фарзандим бор. Ажрашганман. 40 ёшгача бўлган, (қаердан бўлишининг фарқи йўқ, яхши инсон бўлса бас), ишли, уй-жойли, оилани эъозлайдиган эркак билан танишмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Дурдона

**291** Асли Тошкентликмиз. Зиёли оиладанмиз. Ўғлим 25 ёшда. Уйланмаган. Яхши жойда ишлайди. Оғир-вазмин, баланд бўйли (175 см.), чиройли йигит. 22 ёшгача бўлган, Тошкентлик, ўқимишли, ишлайдиган, одобли меҳрибон қизга уйлантиришни истаймман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Махсуда опа

**292** Ёшим 29 да. Ажрашганман. Бир қизчам бор. Пазандаман. Ўзимнинг уй-жойим бор, кўркем аёлман. 35-40 ёшгача бўлган, Тошкентлик, ўзининг ҳам уй-жойи бўлган, ( фарзандсиз), келишган, ақлли, жиддий ва диёнатли эркакка турмушга чиқмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Адиба

**293** Ёшим 32 да. 2 нафар фарзандим бор. Ишлайман. Урта бўйлиман. Ота-онам билан яшайман. 40-42 ёшлардаги, асли тошкентлик бўлган, уй-жойли, ишлайдиган, болаларимга ота меҳрини берадиган, олижаноб ва меҳрибон эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Захро

**294** 32 ёшданман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Ишлайман. Уй-жойим бор. Ичмайман, чекмайман, зарарли одатларим йўқ. 25-26 ёшгача бўлган, тошкентлик, хушрўй, оқила қиз билан танишиб, ширин оила қуришни истаймман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Ҳасан

**295** Ёшим 34 да. Турмушга чиқмаганман. Асли бекободликман. Ишлайман. Тошкентда яшайдиган, уй-жойли, (ажрашган бўлса ҳам майли), олий маълумотли, олижаноб ва аёлини, оиласини эъозлайдиган эркак билан танишмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Дилмера

**296** Ёшим 26 да. Магистратурада ўқийман. Асли Қашқадарёданман. Уйланмаганман. Тошкентда яшайман. 20-27 ёшгача бўлган, (Қаердан бўлса ҳам майли) ўқимишли, ақлли, одобли ва хушсурат қизга уйланоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Оллоберди

**297** Ёшим 35 да. Ишлайман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Асли Чирчиқда яшайман. 35 ёшгача бўлган (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), бевфарзанд ёки 1 нафар кичкина қизи бўлган, саришта, пазанда ва келишган аёлга уйланиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Рустам

**298** Ёшим 42 да. Ажрашганман. 4 ёшли фарзандим бор. Уй-жойим бор. Ишлайман. 45-50 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳридан бўлган, уй-жойли, дунёқараш кенг, жиддий эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.  
**Манзилим тахририятда.**  
Гулнора

Газетамиз саҳифаларидаги маэзур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон муастақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.

**299** Эрталаб тахририятга келганимда мени бола етаклаб олган ёшгина бир аёл кутиб турган экан.  
- Ишга кетишим керак эди, шу боис тонг саҳардан сиз билан учрашиб кетиш учун келдим, - деди у ийманибгина. Аёли хонамга таклиф қилдим. Қизчасини тиззасига ўтказиб олган аёл гап бошлади:  
- Исмиим Барно. 17 ёшимда турмушга узатишди. Эрим холамнинг ўғли эди. У институтда ўқирди. Жуда келишган, баланд бўйли йигит эди. Мен мактабни битиришим билан тўй қилишди. Чунки, холамнинг эри, бўлғуси қайнотам қанд калали билан оғриган ва аҳволи оғирлашиб бораётганди.  
- Сиз у йигитни яхши кўрармидингиз, ёки зўрлаб узатишдими?  
- Гарчи мендан сўраб ўтиришмаган бўлса-да, мен бунга қарши эмасдим. Чунки холамнинг ўғли кўп қизларнинг эҳушини ўғирлаганди. Мен ҳатто шундоқ йигитга турмушга чиқаётганимдан фахрланардим ҳам. Тўйдан сўнг мен уй ишла-

лам борлиги учун айниб кетишаппти. Яқинда бир кишидан совчи келганди. У: «Болаларингизни онангизга ташласангиз уйланаман. Болаларингиз менга керак эмас!» - деди. Бу гапни эшитиб титраб кетдим. Нега энди болаларимни ташлар эканман? Мен уларсиз қандай қилиб бахтли бўла оладим? Болаларимга ота меҳрини бера оладиган инсонни бошимга кўтариб яшаган бўлардим...  
**Дарҳақиқат, ҳар бир аёл бахтли бўлишни истайди. Лекин... Болаларисиз бахтли бўлиши қийин-да.**  
Эҳтимол болаларни севадиган, уларга оталик меҳрини бера оладиган бир эркак бордир? Шундай инсонларнинг қўнғироғини кутиб қоламиз... Барнонинг манзили тахририятда.  
\*\*\*  
- Мумкинми? - дея бир аёл билан эркак кириб келишди. Аёлнинг қаттиқ хафалиги

# БИР КУНИ БАХТЛИ БЎЛАСИЗЛАР!

рени қила бошладим, Камол эса ҳар куни Тошкентга ўқишга қатнарди.  
Бир куни туғилган кунига талай курсдошлари келишди. Уларнинг орасидаги бир қиз эса менга ўқрайгани-ўқрайгани эди. Эрим эса кўпроқ ўша қизнинг атрофида айланардим. Хизмат қила туриб, буларни зимдан кузатардим. Ичкилик ичишганидан сўнг эрим шу қизнинг ёнига ўтириб олиб, унга нималарнидир гапириб бошлади.  
Хуллас, эрим шу қизни севиши ошкор бўлди. Холам эса эримни койди. Мен эса хронилдор эдим. Кўп ўтмай катта ўғлим Комронбек туғилди. Эрим институтни тугатиб, Тошкентда ишга қолди. Кейинчалик бир хонали уй олди. Эрим эса кўпична ўша ерда тунаб қоларди.  
Мен эса яна фарзандли бўлиб, уйда ўралашиб қолдим. Бир куни қайнонамнинг тоби қочди. Катта қайноғам эса мени Камолни қақриб келиш учун шаҳарга юборди. Бормасам бўларкан...  
- Нега?  
- Чунки эшикни ўз қалитим билан очиб кирганимда... Камол билан ўша қиз қараётда улаб ётишарди.  
- Кейин нима бўлди?  
- Камол менга қақриб уриб кетди. Мен хушимдан кетдим. Қўзимни очганимда тепамда шифокорлар туришарди. Шу куни уйимга кетдим. Ота-онамга ҳаммасини айтиб бердим. Камол ҳам, холам ҳам мени олиб кетиш учун келишмади. Отам мени ишга киритиб қўйди. Дилимда эса барибир Камолни яхши кўришимни, у билан яна ярашишни истардим. Аммо, эрим ажралиш учун ариза берди. Ҳозир эса... ўша қизга уйланиш ҳаракатида...  
- Бунга кўп бўлдимиз?  
- Икки йилдан ошди. Мен энди 25 га кирдим. Менга ҳам совчилар келишаппти. Лекин, уларнинг ҳаммаси иккита бо-

юзларидан сезилиб турарди.  
- Келинлар, хизмат? - дейишим билан аёл кўзларига рўмолчасини босиб йимглаб юборди.  
- Бировга яхшилик қилманг экан! Мана, яхшилик қилдим, балога қолдим, - деди у.  
- Нима бўлди ўзи? Батафсил гапиринг-чи?  
- Ён қўшимиз уйини сотганида бегона бўлмасин, деб овсинимни кўчиштириб келгандим. Уйларнинг таъмирлашига ҳам ёрдамлашиб юбордик. Очигини айтсам у сал паллапартиш эди. Унга: «Уйларингиз тоза туггин, ҳовлинг озода бўлсин, кўчаларни супуриб қўйинлар», - деяверишим ёқмасди. Кейинчалик айтишиб қолдик. Мана энди эса...  
- Яна нима бўлди?  
- Ўғлимни уйлантирмоқчиман. Совчиликка борсам, ўғлимни ёқтиришади. Қизга ҳам, ота-онасига ҳам маъқул бўлади. Аммо, улари келиб маҳалладан суриштиришган айниб кетишади. Эшитсам, «Кечирасизлар, ён қўшинлар сизлар ҳақингизда кўп гапларни гапиринди, қуда бўла олмас эканмиз!» - дейишади. Ўғлимнинг бўйи баланд, қош-кўзи қора, жуда чиройли йигит! Ишлайди, уй ишларига ёрдамлашади. Овсинимга сира ёмонлигим йўқ эди. Наҳотки одамлар қўшининг гапига ишонмиса? Ҳамма қўшинлар ҳам дўст бўлмайди, уларнинг орасида ҳасад ўйлари ҳам бўлади-ку! Шундай эмасми?  
**Нури опанинг ўғли ҳам бирорта омадли хонадоннинг ҳавас қилгудек кўёви бўлиши мумкин? Балки, мухлисларимиз орасидан унга муносиб қиз топилар? Бахт излаганлар эса бир куни албатта бахтли бўладилар. Манзил эса тахририятда.**  
Басира тайёрлади. ТЕЛ: 133-04-50

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган кўлёрмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтариқмайди, ёзма жавоб берилмайди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00.  
Босишга топширилди - 19.00  
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru  
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Бош муҳаррир: 134-86-91  
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46  
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Web-site: oilavajamiyat.uz  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси**  
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 532. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.  
Адади - 11162  
Саҳифаловчи — Ш. БАРОКОВ  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ  
Навбатчи — М. ШУКУРОВА  
Мусахҳих — С. САЙДАМОВ  
1 2 3 4 5